2005 YIL 7 OKTYABR, JUMA

# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 122 (6.960). Sotuvda erkin narxda

## Президент Санкт-Петербургга жўнаб кетди

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 октябр куни «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига (МОҲТ) аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига жўнаб кетди.***

Президентимиз сафар олдидан Тошкент аэропортида журналистлар билан суҳбатлашди.

- «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти ҳақида гапирганда, унинг шу минтақада яшаётган халқларнинг ҳаёти учун нечоғли аҳамиятга эга эканига алоҳида эътибор қаратмоқ лозим, - деди Ислом Каримов. - Марказий Осиё минтақаси халқларининг иқтисодий манфаатлари бир-бири билан узвий боғлиқ. Энергетика, табиий бойликлар ёки транспорт алоқаларини олинг, хуллас, барча соҳада манфаатларимиз туташиб кетган. Демак, биз олдимизда турган муаммоларни биргаликда, баҳамжиҳат ҳал этмоғимиз даркор.

Шу нуқтаи назардан «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти ўз олдига қўйиган вазифаларини тўла адо этяпти, дейиш қийин. Ташкилот фаолиятини янада жонлантириш, унда қабул қилинаётган қарорларнинг тўла ишлашини таъминлаш зарур.

Санкт-Петербургда ўтажак саммитда минтақавий хавфсизликни таъминлашга, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, террорчилик ва наркобизнесга қарши биргаликда курашишга, шунингдек, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти фаолиятини кучайтиришга оид масалалар муҳокама этилиши мўлжалланган.

**(ЎзА)**

## Президентлар учрашуви

Ислом Каримов «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида иштирок этиш учун бугун Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига келди. Давлатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган қароргоҳда Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиевни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Қирғизистон муносабатлари ҳамда минтақавий хавфсизликка оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

**ЖИЗЗАХ:**

# Ният рўёбга чиққан кун

***Бу йил жиззахлик пахтакорлар катта мақсадларни кўзлаб астойдил меҳнат қилишлари натижасида далаларда мўл ҳосил етиштирдилар. Айни кунларда вилоят далаларидаги пахтазорларни оралаган киши уларнинг йил бўйи қилган меҳнатларию омилкорлигининг бекор кетмаганига ишонч ҳосил қилади. Лўппи-лўппи бўлиб, далага сиғмай очилиб ётган пахталар жиззахликларнинг улуғвор ниятлари рўёбга чиқишига омил бўлди.***

Улар ҳам республикамизда илғорлар қаторида қисқа муддатда пахта тайёрлаш бўйича шартномани шараф билан бажардилар. Пахтачиликдаги бундай меҳнат муваффақияти вилоят деҳқончилик

**ИФТИХОР**

тарихида анча йиллардан буён кузатилмаган эди. Шунинг учун бугун вилоят пахтакорларининг деҳқончилик соҳасида эришган зафари кўпчиликни ҳайратда қолдирадиган ютуқ сифатида баҳоланмоқда.



Вилоят пахтакорлари жиззахнинг чўл, мураккаб тупроқ шароитида гектарига 22 центнердан ҳосил олишиб, 234 минг тонналик пахта хирмонини бунёд этдилар. Йиғиштириб олинган пахта хомашёсининг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди.

Оғир табиий шароитга қарамасдан эришилган бу ютуқ чинакам матонат, изланиш ва омилкорлик намунасидир.

Бу ютуқлар замирида аввалламбор сўнгги йилларда қишлоқ хўжалик соҳасида амалга оширилаётган самарали ислоҳотлар, барчамизни боқадиган ерга эгалик ҳисси билан муносабатда бўлиш ва қолаверса Жиззах вилоятида фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилганидир.

Бу йилги мавсумда тайёрланган пахта ҳосилининг 100 фоизи айнан фермер хўжаликлари томонидан етказиб берилганлиги бунинг яққол тасдиғидир.

Вилоятда бир неча йил аввал жамоа ва ширкат каби жамоавий бошқарувдан воз кечилиб ерлар ўзининг ҳақиқий эгасига, фермерларга бўлиб берилган. Бугунги кунда вилоятда ўн мингдан ошиқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатишади. Шундан 5700 та фермер пахтачилик соҳаси билан шуғулланади. Фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилгани, ер эгасини топганлиги ҳосил етиштиришдаги муваффақиятни таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

**Абдуҳошим Алиқулов, Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари:**

–Эришилган ютуқлар замирида катта меҳнат, изланиш, омилкорлик борлиги билан бирга, ишловчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга қаратилган эътибор, таъминотчи ва тайёрловчи ташкилотлар билан муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилиши ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Бу йил вилоятимиз пахтакорлари 106 минг 471 гектар майдонга экилган пахтанинг барча агротехник тадбирларини ўз вақтида, сифатли қилиб амалга ошириш билан боғлиқ ишларга алоҳида эътибор қаратганликлари пахта хирмонларининг сарбаланд бўлишини таъминлади.

Маълумки, деҳқончиликда ирригация ва мелиорация ишларига эътибор бермасдан бирор ижобий натижага эришиш қийин.

**(Давоми 3-бетда)**

### Куннинг муҳим воқеалари

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 октябр куни Оқсаройда Корея Республикаси Миллий ассамблеяси Спикери Ким Вон Кини қабул қилди.**

**● Вазирлар Маҳкамасида Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари мажмуининг 2005 йилнинг 9 ойида мазкур тармоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.**

**● Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Бадиий академияси Замонавий санъат марказида Учинчи Тошкент Замонавий санъат биенналесининг тантанали ёпилиш маросими бўлди.**

**● Нукусда «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурига мувофиқ Оролбўйи аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида «Соғлом авлод учун» халқаро нохукумат хайрия жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган «Саломатлик поезди»да келган шифокорлар гуруҳи Қораўзак тумани марказий поликлиникасида 700 дан ортиқ кишини тиббий кўрикдан ўтказди.**

**● Тошкентда республика ўқувчилар саройида ёш мақомчилар кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.**

**● Қашқадарё вилояти Касби тумани миришкорлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш шартнома мажбуриятини бажарди. Қабул пунктларига 64 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси етказиб берилди.**

**● Қашқадарё вилоят чақирув-йиғув пунктида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорига мувофиқ чақирилувчиларнинг дастлабки гуруҳини ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлди.**

***Бугунги кунда нафақат экологик жиҳатдан тоза маҳсулотга, балки камёб бўлган қимматбаҳо хомашёга, масалан тўқимачилик, медицина ва бошқа кўпгина саноат тармоқлари учун зарур бўлган пахта толасига ҳам талаб ошиб бормоқда. МДҲда пахта етиштириш бўйича энг йирик мамлакат ҳисобланган Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларда бу муаммоларни ечиш кўзда тутилган. Ўрта Осиёда етиштириладиган 2 миллион тонна толанинг 1 миллион тоннадан ортиғи Республикамизда етиштирилаётганию, уни экспорт қилиш бўйича ҳам йирик мамлакатлар сирасига киришининг ўзи фикримизни тасдиқлайди.***

# Ўзбек пахтаси – дунё эътиборида

Яқинда Тошкентда ўтказиладиган "Ўзбек пахтаси" халқаро ярмаркаси мамлакатимиз деҳқонлари етиштирган пахта толасини дунё бозорига олиб чиқиш ишларини ривожлантириш, чет эллик ҳамкорлар билан яқиндан алоқа боғлашга яна бир бор имкон яратди.

Шундай экан, бу ишлар юқори тола сифатига эга бўлган ғўзанинг рақобатбардош янги навларини яратиш, ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш мақсадида фаолият олиб бораётган селекционер олимларимиз зиммасига юксак вазифалар юклайди.

INTERNATIONAL UZBEK COTTON FAIR TASHKENT 2005

Кези келганда айтиш керакки, тола сифати биринчи навбатда ғўза навларининг вилт замбуруғининг турли ирқларга чидамлилигига, агротехник тадбирларининг олиб борилиши ва калийли ўғитларнинг ўз вақтида берилишига боғлиқ. Навнинг биологик хусусиятларини сақлаб қолиш учун ўсув даврида намликнинг тўғри тақсимланиши ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун суғориш сони ўсимликнинг ҳолати, тупроқдаги намликнинг миқдорига қараб белгиланади. Бу кўрсаткичларнинг пасайиши эса тола сифатига ва ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади.

Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида ўрта толали юқори тола сифатига эга бўлган С-6524, С-4727, Наманган –77, Омад, Оққўрғон –2, ингичка толали Сурхон –9 навлари яратилиб ишлаб чиқаришга кенг жорий этилган. Бугунги кунда институт селекционер олимлари томонидан тола сифати IV-V типга мансуб бўлган янги С-6541, С-2610, С-8288, Турон, С-2510, Истиқлол, Ат-Термизи, С-9082, С-9083, тола сифати LA-II типга мансуб бўлган ингичка толали Сурхон-10, Сурхон-14, Сурхон-100 каби ғўза навлари яратилиб ишлаб чиқариш синовидан ўтмоқда.

**Я.БОБОЕВ,**
**ЎзҒСУИТИ директор вазифасини бажарувчи.**

# Қаҳрамон эл карвони

***Президентимиз Ислом Каримовнинг "Хоразм деҳқонининг ҳар бир куни қаҳрамонликдир", деган сўзлари воҳа аҳлига қанчалик фахр бағишлаган бўлса, айни кунда яна бир карра ўз исботини топаётир.***

Иқлим ва тупроқ шароити оғир бўлган далаларда меҳнат қилиб, биринчилар қаторида маррага етиш мислсиз меҳна-

**ҒУРУР**

ту машаққатнинг ифодаси, фидойилик намунасидир.

Бу йил хоразмликларга табиат ҳам қайишди. Лекин бош омил барибир деҳқон меҳнати, унинг манфаатдорлиги ортганлиги билан ифодаланаётир. Чунки меҳнат самарасидан баҳраманд бўлаётган дала соҳибларига буйруқ беришнинг ҳожати қолмади.

**(Давоми2-3-бетларда)**



# Ориятли инсон алданмайди

***Андижонда содир этилган машъум воқеалар ғанимларимиз тегирмонига сув қуйишга, уларнинг бизга қарши маломат ёғдиришига сабаб бўлмоқда. Аммо, нақл этилганидек, ит ҳурар, карвон ўтар...***

Аввалламбор, халқимиз, тинчлик-осойишталигимизга хавф солган, юртимиз барқарорлигини таҳдид остида қолдирган қўпорувчиликдан кўзланган ҳақиқий мақсадларни, ўша ғаразли, узоқни ўйлаб амалга оширилган уринишлар мазмун-моҳиятини теран англаб, аянчли оқибатларини кўриб-билиб турибди. Террорчилик ҳаракатлари ташкилотчилари ва иштирокчилари ўзларининг қабиҳ ниятига етолмаганининг туб сабаблари ҳам, аслида, халқимиз уларни қўллаб-қувватламаганида, сохта даъватларига эргашмаганидадир.

Худди шу боис жангариларнинг одамларни гиж-гижлаб, алдаб, зўрлаб кўчага чиқариш, сўнгра оломоннинг соддалигидан фойдаланиш ва жараённи ўз манфаатлари сари бошқариш, яъни қабиҳ ниятларини амалга оширишдан иборат хомхаёллари ўшандаёқ чиппакка чиқди. «Андижон аҳолиси бизни қўллаб-қувватлайди», деб хомтама бўлганларнинг ёвуз хатти-ҳаракатлари вақтида бартараф этилди.

Энди жангарилар Андижонда, бутун Ўзбекистонда имон-эътиқодли одамлар яшашини, улар бир ҳовуч муттаҳамларнинг ҳавойи гап-сўзларига, бузғунчи ғояларига асло алданмасликларини англаб етган бўлса ажаб эмас. Зотан, ҳамма нарсани ақл тарозисида ўлчаб, соғлом фикрлай оладиган инсон турли алдовларга учмайди.

Энг муҳими, ориятли одам онг-шуурни манқуртлаштирувчи, маънавиятга, эътиқодга путур етказувчи ҳар қандай ёвуз ғоя ва ақидалардан, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга зид қарашлар ва хатти-ҳаракатлардан ўзини ўзи ҳимоялай олади. Шунинг учун ҳам ориятли одамни чалғитиб, йўлдан уриб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланаётган 15 нафар судланувчига оид жиноий иш бўйича суд жараёнида иштирок этаётган гувоҳларнинг Андижон воқеалари билан боғлиқ кўрсатмаларида ана шу оддий, ҳаётий ҳақиқатлар ўз тасдиғини топмоқда.

Гувоҳ Дилшод Мамажоновнинг айтишича, у вилоят ҳокимлигидан унча узоқ бўлмаган маҳаллада истиқомат қилади. 13 май куни эрталаб: «Кечаси қамоқдан бир гуруҳ жиноятчилар қочиб кетибди, шаҳарнинг баъзи жойларида отишма ҳам бўлибди» қабилидаги гап-сўзларни эшитгач, кўчага чиқиб кетган ўсмир жиянини излаб, шаҳарнинг бош майдонига яқин келиб қолади.

«Майдонни панжара бўйлаб қуролли кимсалар ўраб олганди, - дейди Д.Мамажонов. - Бобур Мирзо ҳайкали пойида эса 300-400 киши тўпланиб турган экан. Қуроллилардан бир нечтаси давлатимиз тузумига қарши гапларни айтарди. Одамларга қарата: «Бир кун туриб беринглар, кейин ҳаммаси яхши бўлади», деган чақириқлар ҳам бўлди. Тўғриси, уларнинг гап-сўзи менга маъқул тушмагани учун дарҳол жиянимни олиб, уйга қайтдим».

**(Давоми 2-бетда)**

# Алаҳсираш

## ёхуд офату кулфатни ёқлаган "мустақил сиёсатчи"

***Яқинда Интернет орқали бир мақола берилди. "Центр-Азия" манбаси тарқатган ушбу мақоладаги асос ва далиллар кишини ҳайратга солади. Муаллиф – Маъруф Эшмирзоев. У ўзини "мустақил сиёсатчи" деб таништиради. Мақола Тожикистон алюминий заводи ҳақида. Сарлавҳаси ҳам анчагина жозибадору жарангдор: "Тожикистон алюминий заводи – экология, сиёсат ёки жиноятми?".***

Дастлаб ўқувчида, "эй, бор экан-ку, завод ҳақида яна бир бонг уришибди-ку!", деган фикр уйғонади. Бироқ, мақоланинг дастлабки хатбошисиёқ муаллифнинг қандай кайфиятда эканлигидан далолат беради.

**МУНОСАБАТ**

Ўзбекларда бир мақол бор: "Қўй кўрмасам ҳам қий (қўйнинг қумолоғи) кўрганман", деган. "Мустақил сиёсатчи" деганлари қандай маънони англатишини унчалик билиб-билмаса ҳам ўзбеклар гапнинг тагидаги нимкосани яхшигина ҳис қиладилар. Ушбу мақолани ўқиб, муҳтарам муаллифни "осмондан тушган"микин, деб ўйлайсиз. Бу кишим яйловга чиқиб, кўпни кўрган қўйчивонларга на қўй, на қий кўрмай туриб, билағонлик қилиб, сабоқ бераётганга ўхшайди. Негаки, мақолани синчиклаб ўқиб, алюминий завод баҳонасида "мустақил сиёсатчи"миз ўз ичидаги заҳар-заққумни, аниқроғи, кекни бевосита халқимиз, ҳукуматимиз, юртимизга қарата очиқ-ойдин ғазаб аралаш сочаётганига ишонч ҳосил қиласиз.

Шундай "таҳдидли сарлавҳа"га эга мақолада алюминий завод келтираётган офату кулфат ҳақида, унинг зарари борасида, атроф-муҳитга таъсири тўғрисида лом-мим дейилмайди. Гўёки, завод теварак-атрофга олам-олам қувонч, нуру ёруғлик, баҳорий муаттарлик таратиб, ҳаёт ёмғирларини ёғдириб тургандай.

**(Давоми 2-3-бетларда)**

**ХАБАР**

***Навоий шаҳрида аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратишга катта эътибор қаратилмоқда.***

Шу мақсадда шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан навбатдаги «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ўтказилди.

# Навбатдаги ярмарка

Унда шаҳардаги 62 корхона, ташкилот ва муассаса 227 иш ўрни билан иштирок этди. Шу куни юздан зиёд талабгор ишли бўлди. Уларнинг аксарияти «Навоийазот», «Электркимёзаводи», «Навоийпахтатозалаш» акционерлик жамиятлари ҳамда «Ишлаб чиқариш корхоналари бирлашмаси»га ишга қабул қилинди.

Меҳнат бўлими бундай ярмаркаларни тез-тез ўтказиб тургани боис шу йилнинг ўтган даврида 500 нафарга яқин фуқаро иш билан таъминланди.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири**

ХАЛҚ БАНКИ сизнинг оилангиз банки

BANK

# Гапнинг рости...

***Бир танишим бор. Исми Ҳақберди. Унинг айрича феълатворини кузата туриб, ота-онаси исм танлашда сира адашмаган, дейман. Бироз дўлвори бўлиб кўринса-да, ўзи жуда ақл-фаросатли. Фақат, ёлғон оралаган ерда еру-кўкка сиғмай қолади. Жим ўтириб эшитишдан кўра дилидагини шартта-шартта айтиб, ҳовридан тушгач, секин чиқиб кетади. Ҳақберди олийгоҳни тугаллагач, мактабга ишга келди.***

Табиатан адолатпарвар ва ростгўйликка мойил бўлган янги ўқитувчи ўқувчиларга маъқул бўлди. Бир куни у кўклам бошланиб, ҳар икки куннинг бирида муаллимларнинг томорқасида ишлашга бораётган ўқувчиларни учратди.

–Болалар, бугундан бошлаб дарсдан бўш вақтларда мактаб стадионини обод қиламиз, имкон бўлса, ёлғиз оилаларнинг юмушига қарашиб юборамиз, -деди. Бу таклиф ўқувчиларга маъқул бўлди. Кўп ўтмай болажонларга ёққан Ҳақберди негадир ҳамкасбларига ёқмай қолди. Мактаб кенгашида орқаворотдан илмоқли гап отишаётганини кўриб:

**МАВЗУ**

–Болаларни ўқитаётган бўлсак, давлат бизга маошни қуртдек санаб беряпти. Вазифамизни суиистеъмол қилиб, ўқувчини ўз хоҳишимизча ишлатишга ҳеч биримиз ҳақли эмасмиз –деди у.

Сал ўтмай Ҳақберди мактаб билан хайрлашиб, нуфузли бир идоранинг ҳисоблаш марказига ишга жойлашди. Ҳисоб-китоблар, табиийки, аниқликни ёқтиради, ғирромлик оралаган ерда рақамлар ўз мувозанатини йўқотиб, ёлғон маълумотлар урчий бошлайди. Ҳақберди сохта маълумотларнинг бирортасини ҳам ўтказиб юбормай жамлади-да, бошлиқ ҳузурига кирди. Ёш, янги мутахассиснинг куюнчаклигидан бошлиқ қувонган бўлди, ҳатто уни табриклаб ҳам қўйди. Омборда маълумотда кўрсатилган маҳсулотнинг ярми ҳам йўқлигини эшитгач, авзойи ўзгарди:

–Ҳақбердижон, сиз ишингизни давом эттираверинг. Бу ёғи билан ўзим шуғулланаман.

Бошлиқ ғайритабиий равишда илтифот кўрсатиб, уни эшиккача кузатиб қўйди.

Орадан ҳафта ўтмаёқ кутилмаганда ҳисоблаш марказига штат қисқариши тўғрисида юқоридан кўрсатма келди. Бу ҳеч бир истисносиз Ҳақбердининг чекига тушди...

Ҳали жамоага яхши танилмай, паттаси қўлига тутқазилган Ҳақберди бу орада шартаки, бетгачопар, андишасиз, деган "ёрлиқ"ларни олишга улгурди. Бу ёғига энди уни ишга олишга кимнинг ҳам кўзи учиб турарди, дейсиз.

**(Давоми 4-бетда)**

**МУЛОҲАЗА**

***Туман таҳририятига иймaнибгина кириб келган қиз ўзини таништирди, бўлғуси математик, шеърлар машқ қиларкан. Тузуккина шеърлари бор.***

–Кундузи ўқиш, кечқурун зардўзликдан ортиб бадиий китоб ўқишга фурсат тополмаяпман, - деди у хижолат чеккан қўйи. – Болалигимда китоб жону дилим эди.

# Ўқиган қиз... ўрнини топибди

Талаба қизнинг гаплари бир танишим Шомил аканинг айтган сўзларини эслатди:

–Биласиз оилада беш жонмиз, - деганди у – Тўнғич қизим тўққизинчи синфни битириш арафасида онаси билан маслаҳатлашган чоғи, "Машҳура"нинг Ғиждувондаги филиали ўқув машғулотларига боришга рухсат сўради. Қўлоёғи чаққон, зеҳни ўткир бўлгани учун унинг раъйини қайтармадим. Йўлкираси ва бошқа харажатларига бир амаллаб пул бериб турдим.

Етти-саккиз ойча вақт ўтиб, қизим мустақил ишлай оладиган даражага етди. Кунига иккита кўйлак тикади. Ўқиб-ўрганишда ҳикмат катта экан. Қизим шу касби ортидан ойига ўртача 100 минг сўмдан зиёд пул топаяпти. Бир йил муқаддам мактабда ўқиб юрганида қўлига тузукроқ пул беролмаганимни ўйлаб баъзан хижолат чекаман. Ўзим ҳам бир йилдирки Қоровулбозорда ишлаб 100 минг сўмча маош олаяпман. Янгангиз – боғчада ишлайди. Уйда икки-уч бош қорамолимиз ҳам бор. Хуллас, бир нарсага зориқиб қолаётганимиз йўқ. Қизим ўқиб, ҳунар эгаллаб оғиримизни енгил қилаётганига шукрона айтаман.

**(Давоми 4-бетда)**

хомон-Хоразм" МТПлари ҳудудидаги фермер хўжаликлари катта ҳисса қўшдилар. Айни кунларда шартномага қўшимча равишда 3 минг тонна пахта топшириш учун терим қизғин давом эттирилмоқда.

– Хабарингиз бор, Президентимиз 21-22 сентябр кунлари вилоятимизда бўлдилар. Юртбошимизнинг хўжалигимизга келиши барчамизни тўлқинлантириб юборди, – дейди Хонқа туманидаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги раиси Бахтиёр Очилов. – Ахир давлат раҳбари дала бошига келиб, оддий меҳнаткашлар билан суҳбатлашса, уларнинг ютуқлари ва муаммолари билан танишса, қувонмай бўладими! Ширкатимиз 2 октябрда шартномавий режасини бажарди. Ҳозирда ялпи хирмон салмоғини 3,5 минг тоннадан оширишга ҳаракат қилаяпмиз. Шунга эришсак, фақат пахтачиликнинг ўзидан 131 миллион сўм соф фойда оламиз. Ғўзанинг "Хоразм-127" навидан уруғлик пахта сотаётганимиз даромадни ошираяпти.

Бу йилги муваффақиятлар ҳақида сўз кетганда, яна бир омил – қишлоқ аҳли иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини тўла англаб етаётганини тилга олмоқ мақсадга мувофиқдир. Вилоятдаги 12 мингдан ортиқ фермер хўжаликларининг 7810 таси пахтачиликка ихтисослашган бўлиб, уларга 83787 гектар ер ажратиб берилган. Истиқлол туфайли мулкдор бўлиб, меҳнатининг лаззатини тотаётган деҳқоннинг бугунги қувончи чексиз.

# Эл карвони



Гурлан туманидаги Ёрмамат Каримов бошчилик қилаётган "Ганч" фермер хўжалиги ана шулардан бири. Фермер жорий йил 70 гектар майдонга чигит қадаб сентябр ойининг ўрталаридаёқ 215 тонналик хирмон уюшга муваффақ бўлди. Мулкдор қўшимча равишда яна 100 тонна пахта сотиш учун терим суръатини пасайтирмаслик пайида.

– Президентимиз билан шахсан учрашиб, суҳбатлашганим ҳаётимдаги энг ёрқин кунлардан бири бўлиб қолади, – дейди "Барака" фермер хўжалиги раҳбари Саъдулла Бобожонов. – Юртбошимиз ишдаги ютуқ ва муаммоларни сўраш жараёнида фойдани нимага сарфлаётганимиз билан ҳам қизиқдилар. Мен аввало, қишлоқ хўжалиги учун зарур тракторлар сотиб олганимни, ўтган йилги даромаддан "Нексия"-ли бўлганимни айтганимда, хурсанд бўлиб кетдилар. Қимматли маслаҳатлари эса бундан кейинги иш ва хўжалик юритишимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Айни вақтда илкимиздаги 20 гектар пахта майдони ҳосилдорлигини 45 центнерданга етказишга ҳаракат қилаяпмиз.

Меҳнатлари нашидасини сураётган воҳа пахтакорларининг ҳар бири ана шундай ширин орзулар билан тер тўкяпти. Улар меҳнат қилган киши ҳеч қачон хор бўлмаслигини яхши билишади ва кўп бор таъкидлашади: ишлаган тишлайди. Пешона тери эвазига яратган "оқ олтин"идек қалби тоза танти деҳқонларга, топганларингиз тўйларга буюрсин, деймиз.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## ЖИЗЗАХ:
# Ният рўёбга чиққан кун

(Боши 1-бетда)

Жиззахлик деҳқонларни ҳам анча йиллардан буён сув таъминотидаги узилишлар, коллектар-дренаж, лоток тармоқларидаги қусурлар қийнаб келарди.

Жорий йилда эса вилоятда ирригация ва мелиорация соҳасида катта ишлар амалга оширилиши натижасида фермерлар сув тақчиллигини сезмадилар. 295 километрлик хўжаликлараро, 405 километрлик ички хўжалик зовурлар тозаланиб, қайта таъмирланди. 240 километрлик ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларида ювиш ишлари амалга оширилди. Ирригация йўналишида эса 430 километрлик коллектар-дренаж тармоқларида доимий тозалаш ишлари йўлга қўйилди. 47 километрлик лоток суғориш тармоқлари таъмирланди. Натижада вилоятдаги ўн минг гектардан ортиқ суғориладиган майдонларда сув танқислиги муаммосини ҳал этишга эришилди.

Вилоят пахтакорлари эришган муваффақиятларни таъминлашнинг яна бир сири ёқилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитларининг ўз вақтида етказиб беришда узилишлар бўлмаганлигидир.

Жорий йилда жойларда 103 та ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари билан таъминлаш шохобчалари ташкил этилди. Шунингдек, 65 та минерал ўғитлар сотиш шохобчалари ва бошқа қишлоқ хўжалиги инфратузилмалари объектлари томонидан барча фермер хўжаликлари тўғридан-тўғри таъминот хизматлари кўрсатилиши натижасида ўз вақтида етарли миқдорда маъданли ва кимёвий ўғитлар билан таъминланди.

Ушбу саъй-ҳаракатлар туфайли дефолиация ҳам ўз вақтида ва сифатли ўтказилиб, қисқа муддатда улкан пахта хирмони яратилишига сабаб бўлди.

Айниқса бу йил пахтакорларнинг моддий манфаатдорлиги оширилиши иш унумининг юқори бўлишини таъминлади. Банклар томонидан фермерларнинг иш ҳақлари муттасил бериб борилди.

**Зафар Эргашев, АТ "Пахта Банк" Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи:**

–Вилоят "Пахта Банк" бўлимлари томонидан жорий йилнинг биринчи сентябригача 2005 йил пахта ҳосилини етиштириш харажатларини молиялаштириш учун жамғармадан 9198,7 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Вилоятда пахта йиғим теримини ташкилий равишда ўтказиш билан боғлиқ ишларнинг боришини мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш учун ишчи гуруҳи тузилди.

Ишчи гуруҳи аъзолари ўзларига бириктирилган фермер хўжаликлари бўйича терим пулларини теримчиларга ўз вақтида тўланишини таъминлашга маъсул қилиб қўйилдилар. Ҳар беш кунда терим пуллари тўлаб борилди.

Вилоят бўйича бугунги кунга қадар пахта хомашёсини териб олиш учун жами 9507,7 миллион сўм маблағ сарф қилинди.

Республика Президентининг қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда вилоят ҳокимининг қарорига асосан Мирзачўл, Арнасой ва Жиззах туманларида бир килограмм қўлда терилган пахта учун 52 сўмдан ҳар куни, қолган туманларида қўлда терилган ҳар кило пахта учун 42 сўмдан ҳар бир кунда теримчилар билан ҳисоб-китоб қилиб борилмоқда.

Айниқса бу йил жиззахлик фермерларнинг қувончи чексиз, ғайрат шижоати юксак. Чунки улар иқтисодий ва молиявий мустақиллик сари дадил қадам қўймоқдалар, мулкдорлар синфини шакллантирмоқдалар. Вилоятда фермерлик ҳаракати ўзини тўла-тўкис оқлади десак янгилишмаган бўламиз. Буни жиззахлик фермерларнинг сўзлари ҳам исботлаб турибди.

**Юлдузхон Холматова, "Дўстлик" туманидаги "Юлдуз" фермер хўжалиги соҳиби:**

–Жорий йилда тасарруфимиздаги 176 гектар ерга еримиз ва шароитимизга мос "АН – Боёвут-2" навли чигит қадаган эдик. Яхши ниятлар билан астойдил меҳнат қилдик. Қолаверса, бу йил таъминотчи ташкилотлар томонидан фермерларга эътибор ўзгача бўлди. Ўзаро тузилган шартнома шартларини бажариш учун икки томон ҳам ўз лафзида турди. Аҳилликда ишлаш эса ўз самарасини кўрсатди. Далаларимизда мўл ҳосил етиштирилди. Режада 460 тонна ўрнига бугунгача 500 тоннадан ортиқ пахта хомашёсини топширдик.

Дефолиацияда гап кўп экан. Авалги йиллари ушбу агротехник тадбирга эътибор сустлиги туфайли, далаларда пахта бир вақтда етилмасди. Бу йил дефолиациянинг вақтида ва сифатли ўтказилгани учун, йигирма иш кунида режани уддаладик.

Терилган пахтанинг ҳаммаси биринчи навларга топширилганлиги эса катта даромадимизнинг асоси бўлди. Биргина пахтанинг ўзидан ялпи 140 миллион сўм даромад олаётирмиз.

**Баҳромқул Рустамов, Мирзачўл туманидаги "Мурод-Жавоҳир" фермер хўжалиги соҳиби:**





–Фермерлик фаолиятимни бошлаганимдан буён чўл шароитида пахтадан шунчалик мўл ҳосил етиштирилганини кўрмаган эдим.

Бизнинг хўжалигимиз ҳозирча 230 тонна пахта топшириб, режани 150 фоизга уддалади. Биргина пахта терими учун нақд саккиз миллион сўм пул олдик. Бу ютуқлар сабаб эса жорий йил фермерларга сув, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари, имтиёзли кредитлар билан ўз вақтида таъминлангани бўлди.

Вилоятимиз фермерларининг тажриба ва малакаси йилдан-йилга ошиб, ўзларини мулкдорлар сифатида тўлиқроқ ҳис қилмоқдалар. Бу эса фермерлар эришаётган ютуқларнинг дебочаси. Ҳали кўрасиз ернинг ҳақиқий эгалари бўлган янги мулкдорлар мамлакатимиз қишлоқ хўжалик соҳасини жуда-жуда юксакларга кўтарадилар.

**Анорбой Эшматов, Пахтакор туманидаги "Анвар – А" фермер хўжалиги соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими:**

–Бундан бир неча йил аввал вилоятдаги барча ширкат ва жамоа хўжаликлари тугатилиб, ерлар фермерларга бўлиб берилган эди. Ўшанда қишлоқ хўжалиги соҳасидан бехабар кишилар ҳам фермер бўлишди. Лекин ўтган йиллар давомида деҳқончиликка нўноқ,тажрибасиз кишилар ўз-ўзидан фермерлар сафидан чиқиб кетди. Чунки енгил йўл билан ердан ризқ ундириш осон эмаслигини англаб етдилар. Вақт фермерларнинг ҳам сарасини сарага, пучагини пучакка ажратди. Ҳозирги кунда фермерларнинг асосий қисмини машаққатдан чўчимайдиган, ер билан тиллаша оладиган инсонлар ташкил этади. Бу йилги вилоят пахтакорларининг эришган ютуғининг асосий замини ҳам ер ўз эгасини топгани бўлса керак, деб ўйлайман.

Жорий йилда эса биз ҳосилдорликни гектарига 45 центнерга етказдик. Бу чўл шароитида жуда катта кўрсаткич. Режага қўшимча 50 тонна пахта топширдик. Юз фоиз ҳосил машиналарида йиғиштириб олинди.

– Ҳозир қайси фермер ёки теримчию механизатор билан суҳбатлашсангиз, "пахта йили бўлди-да" дейишади, – дейди Жиззах туманидаги "Қуёшсевар Парда" фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор Парда Зиётов. – Аслида, бунинг таг замирида меҳнат ва моддий манфаатдорлик ётибди. Бу йил пахтакорларимиз ҳар қачонгидан-да, ғайрат-шижоат билан ишладилар. Улар кузги шудгордан тортиб, чигит экилган кун-у, ҳосил йиғим-теримигача бўлган барча агротехник тадбирлар давомида тегишли меҳнат ҳақларини олиб боришди. Энг эътиборлиси, ўтган йилги ҳосилнинг якуни билан ҳамма ҳисоб-китоблар қилиб бўлингач, соф фойдамизни вилоят ҳокими ташаббуси билан банкдан нақд пул сифатида олдик. Бу саъй-ҳаракат бугун ўз мевасини берганини кўриб турибмиз.

– Туманимиз қўшни Қозоғистон Республикаси билан чегарадош, шунинг учун масъулиятни икки бора ҳис қилишимиз керак, – дейди Мирзачўл тумани ҳокими Муса Анорбоев. – Сир эмас, илгари айрим кишилар Чимкент вилоятига бориб пахта теришарди. Ўтган йили ва бу йил чегара туманлардаги қўл терими учун тўланадиган пахта пулини сезиларли даражада оширдик. Жумладан, бу йил ҳар килограмм учун 52 сўмдан тўланди. Терим пули кунда – даланинг ўзида тарқатилди.

Ҳа, бугун жиззахлик ҳар бир фермер қилган меҳнатларининг самарасидан кўнгли тўлиб, ғурур билан эришган ютуқлари ҳақида сўзлайди. Ғолибларга ғурур ҳам, шараф ҳам, сўз ҳам ярашади. Шу омад уларни ҳеч қачон тарк этмасин.

Ҳали вилоят пахта далаларида ҳосил чўғи сўнмаган. Пахтакорлар қолган ҳосилни ҳам ёғин-сочинли кунларга қолдирмай, йиғиштириб олиб, вилоят бўйича ҳосилдорликни ўртача гектарига 24 центнерга етказиш ниятидалар.

Қолаверса эришилган ютуқлар катта даромад манбаи ҳам бўлмоқда. Бу йил вилоятда пахтачиликдан 64 миллиард 350 миллион сўм ялпи даромад кутилаётир. Шундан 8 миллиард 810 миллион сўми соф фойда бўлади. Олинган даромад эса вилоят аҳолисининг ижтимоий ва комунал эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга, халқнинг моддий турмуш даражаси яхшиланишига, юртнинг янада фаровон бўлишига сарфланади.

**Абдураззоқ КАРИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**
**Б.АКРАМОВ олган суратлар.**

---

сиз, гўёки, шундай давлатнинг ТожАЗ фожиаси ҳақида бонг уриши сизга маъқул келмайди. Энди, шу ўринда бир фикр туғилади: Сиз нима қилиб бўлса ҳам Ўзбекистонни ёмонотлиқ қилсам бўлди, деб ўйларкансиз. Шу алмойи-алжойи муқояса ёки "далил"лар билан Тожикистон алюминий заводи қуввати ошишига, бошқа бир алюминий заводи қурилишига қарши турган халқимизни лақиллатмоқчи бўлаяпсиз. Бири боғдан, бири тоғдан келган, қовушмаган "асос"ларингиз сизнинг шунчалик абгор ва саводсиз одам эканлигингизни кўрсатиб турибди. Ёки аксинча, сиз билимдонсизу, бироқ ўта хавфли, маккор, ўз ролини қойиллмақом қилиб ўйнашга тиришган, алалоқибат ўзини ўзи шарманда қилган "мустақил сиёсатчи" – "сиёсий ўйинчи"сиз.

Ҳозир жаҳон бозорида алюминийнинг нархи кескин ошди. Бу "қанотли металл" авиакомпаниялар учун ҳаводай зарур. 2003 йилда бир тоннасининг нархи 1400 АҚШ доллари эди. 2004 йилга келиб 1,6 минг долларга, бу йил эса 1,8 минг долларга чиқди. "РусАЛ"нинг корчалонларини беҳудага ТожАЗ қизиқтириб қолди, деб ўйлайсизми? Сизга ўхшаган "ўйинчи"лар эса ўз халқингиз, ён-атрофдаги халқлар иродасига қарши бориб, тусма-таваккал гапиришдан чарчамайсиз. Энг кулгили томони, сиз ўзингизча баъзи бир хулосаларни Тожикистон ҳукумати номидан айтаётгандай бўласиз. Алюминий маҳсулоти Тожикистон саноатининг гуркираб ўсишига таянч бўлишини башорат қиласиз. Иқтисодда ҳеч қачон фақат бир томонлама, бир йўналиш юзасидан ўсиш бўлиши ҳамиша ҳам ўзини оқлай олмаслиги ҳақида мулоҳаза юритолмайсиз.

**Мақолада Андижон воқеаларни ҳам эсингиздан чиқармайсиз. Унда ўнлаб одамлар қурбон бўлганлигини ёзасиз. Ва, Ўзбекистондаги "сиёсий аҳвол" ҳақида хулоса қиласиз, гўёки, шундай давлатнинг ТожАЗ фожеаси ҳақида бонг уриши сизга маъқул келмайди.**

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди – Сурхон воҳасига етказилган зиён-заҳмат бугун ҳисоб-китоб қилингудай бўлса, бу мусибат ортидан келган зарарни қоплаш учун Тожикистон томони халқаро ҳуқуқ андозаларига мос тарзда товон пули тўлаши керак бўлади. Бироқ, масалани бу тарзда кескин қўйиш ниятида эмасмиз. Алюминий заводи фожиаси оқибатлари юзасидан юртимизда ўтказилган барча халқаро йиғинларда бу масалага икки давлат ўртасида баҳамжиҳатлик билан, бамаслаҳат ёндашиш лозимлиги айтилмоқда, таъкидланмоқда. Қардош тожик халқи билан ўзбеклар биродар, эт билан тирноқ – қадим анъаналари вобаста.

Нима бўлган тақдирда ҳам орага совуқчилик тушмаслиги керак. Шундай бўлади ҳам. Мамлакатимиз Мустақиллигининг 14 йиллиги шодиёнаси арафасида Президентимиз Ислом Каримов номига жўнатилган табрик мактубида Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов шундай ёзади: **"...Минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг қатъий тарафдори бўлмиш Тожикистон мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлигини умумминтақавий интеграция жараёнининг ғоят муҳим бўғини, деб ҳисоблайди ва уни янада кенгайтириш учун ҳаракат қилади.**

Биз халқларимизни боғлаб турган асрий дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини қадрлаймиз ҳамда бу алоқаларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва янги намуналар билан бойитишга аҳд қилганмиз..."

Хуллас, Ўзбекистон ва Тожикистон давлатлари орасидаги азалий дўстлик, қонқардошлик ришталарини узиш учун баҳона қидираётган, асл ҳақиқатдан бошқача маъно ахтараётган Эшмирзоев каби кимсаларнинг айрим даъволари замирига қандай иддаолар сингиганлигини халқимиз яхши тушунади. Ҳар хил гаплар, бемаза алжирашлар, Тожикистон алюминий заводининг бугунги салбий оқибатларини ёзиш ўрнига, хаспўшланган таҳлиллар билан заводни "мутлақо зарарсиз" дея юзингизга қараб ёлғон сўзлаётган муаллифга ҳам ачинасан киши.

Бундай одамларнинг юзи бормикин? Улар одамлар юзига қандай қарашар экан?

Дарвоқе, Эшмирзоев шошиб-пишиб, палапартишлик билан қоралаган мақоласини "Тожикистон алюминий заводи – экология, сиёсат ёки жиноятми?" деб номлабди. Тўғри, бу экология. Экологик хавф. Сиёсат ҳам. ТожАЗ тагидаги сиёсий ўйинлар ҳам бор гап. Жиноятлиги ҳам чин. Бутун бир воҳани заҳарлаш жиноят бўлмай нима? Бироқ мана шу жиноятни хаспўшлаш, бор ҳақиқат юзига парда тортишнинг ўзи ҳам жиноятдир. Буни жаноб Эшмирзоев кабилар англаб етишини хоҳлардик.

Мазкур мақолага нуқта қўйиш арафасида Интернет сайтларида ташвишли бир хабар пайдо бўлди: Тожикистон Фавқулодда вазиятлар вазирлиги маълум қилишича, Тожикистонда бир неча соат ичида икки марта ер силкинган. Россиянинг "Новости" ахборот маҳкамаси мухбирига маълумот берган вазирлик вакили зилзиланинг Рихтер шкаласи бўйича 3-4 балл кучга эга бўлганини айтган. Вайронагарчилик ва зарар кўрганлар ҳақида маълумот йўқ.

Зилзила маркази Душанбедан юз чақирим шарқда, Роғун шаҳрида жойлашган. Хабарда айтилишича, зилзиладан бироз муқаддам Роғун ГЭСи (режага кўра бу ГЭС Тожикистон алюминий заводининг бош энергетика манбаи бўлиши керак) қурилишининг қайта бошланишига бағишланган тантана бўлиб ўтган...

Аърофий ва самовий, фан тили билан айтганда техноген фалокатлардан ҳеч ким, ҳеч бир мамлакат кафолатланмаган. Хусусан, Ўзбекистоннинг жануби ва Тожикистоннинг деярли барча ҳудудлари фаол сейсмик зона ҳисобланади. Худо кўрсатмасин, ўша зилзила Турсунзода шаҳрида содир бўлса, ҳолимиз не кечади? Шундай ҳам фторли водород ва бошқа заҳарли чиқиндилар билан етказаётган алюминий заводида авария ҳолати юзага келса, бошимизга Чернобил куни тушмайдими? Иккинчи Чернобил кимга керак?

Бизни ташвишга солаётган муаммо шу! Муаммо бўлганда ҳам якка-якка тартибда эмас, ортиқча эҳтиросларга берилмасдан, эсҳушни жойига қўйиб, ҳамжиҳат ҳал этишимиз лозим бўлган муаммо.

Алюминий ишлаб чиқариш, йирик энергетика заҳиралари яратишдек улкан лойиҳалар амалга оширилаётганда атроф-муҳит муҳофазаси, албатта, инобатга олиниши керак. Гап "РусАЛ" ваъда қилаётган "энг кам миқдордаги экологик зарар" ҳақида эмас, кишилар саломатлигига мутлақо путур етказмаслик кафолати ҳақида бориши керак. Шундоқ бўлмас экан, бир кун эмас-бир кун фалокат оёғимиз остидан чиқиши муқаррар. Бу фалокатни хоҳланг ортиқча зуғум, худбинлик, калтабинликни кечирмайдиган табиатдан, деб билинг, хоҳланг Яратганнинг ўзидан!

**Кўчқор НОРҚОБИЛ**

# Қизилтепа дурдонаси

***Қизилтепа тумани заршунослари юқори агротехник қоидаларга амал қилганликлари туфайли вилоятда биринчилардан бўлиб мамлакат хирмонига 26240 тонна дурдона тўкдилар.***



Эришилган бу муваффақиятда "Ворозун", "Деҳқонобод", Қосим Қобилов номли, "Тавоис" ширкат хўжаликларининг ҳиссаси катта бўлди. Мўл пахта ҳосили мавсумида "Адолат машъали", "Валиобод", "Қизилтепа манғити" сингари фермерлар фидокорлик билан ишлаб, эл олдида юзлари ёруғ бўлди.

Қизилтепаликлар ялпи ҳосилни 29 минг тоннага етказиб, биргина "оқ олтин"дан 8,7 миллиард сўм даромад олишни кўзламоқда.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

Товар сертификатланган
"ТЕХСЕЛЬСНАБ" МЧЖ
Тошкентдаги омборхонадан Россия ва Украина заводларида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобиллари ҳамда қишлоқ хўжалик (ғалласўриш комбайни, тракторлар Т-150, МТЗ, МХ-135, ТТЗ) шиналарини таклиф қилади
Пул ўтказиш йўли билан ғалла ва пахтанинг 23210, 23220 траншларини ҳам қабул қилади.
Тошкент ш., Чилонзор-2, Гагарин кўч., 26-уй
Тел.: 77 1210, 77 1451, 79 9468, 103 7234, 158 8575.
АЗ

АК "Ўзулгуржисавдо"
Реализует со склада в г.Ташкенте следующую продукцию:
*Трубы ВГП, ГОСТ 3262-75
20Х2,8 мм, 40Х3,5 мм, 50Х3,5 мм.
*ТРУБЫ Э/СВАРНЫЕ, ГОСТ 10705-80
57Х3,5 мм, 76Х3,5 мм, 89Х4 мм, 102Х4-5 мм, 108Х4 мм, 114Х4 мм, 159Х6,8 мм, 168Х8 мм, 219Х8,9; 10 мм, 325Х8 мм, 377Х8 мм; 426Х6-18 мм.
*Листы стальные Г/К 11,12 мм
*Электроды сварочные МР-3 Ø 4 мм
*Оборудование для парикмахерских
*Алюминиевые подвесные потолки
*Подвесные потолки картонного типа "Армстронг"
*Перфораторы разных марок, электродрели
*Электропилы дисковые для резки металла
*Пилы дисковые для резки металла ø 35,40 мм
*Ручные электрофрезы, электропилы (для резки кафеля и алюминия)
*Эсксопилы
*Слесарно-монтажные инструменты (фрезы, сверла, метчики, ключи гаечные, плашки, алмазные бруски)
Припой ПОС-30, ПОС-40 Электроды нержавеющие – НЖ-13, ЦЛ-11 ø 4 мм
*Мини-генераторы бензиновые
*Наборы инструментов
*Плитку облицовочную керамическую
*Плитку облицовочную половую
*Кубики керамические неглазурованные для мозаичных работ
*Электрооборудование (насосы, водяные помпы)
*Аэрогенераторы и солнечные генераторы
*Мельницы для размола муки
*Оборудование для очистки риса
*Пиломатериалы, деловая древисина
Так же имеем возможность поставить по заказу Магистральные трубы в течении 15-17 дней ГОСТ 20295-85; ГОСТ Р52079-2003 и др. ТУ 14-3Р-01-93, следующих диаметров:
530 х 7-24 мм; 610 х 7,9-24 мм; 630 х 7-24 мм
720 х 7,3-30 мм; 762 х 7,9-30 мм - 30 мм
1020 х 8,8-32 мм; 1067 х 9-32 мм
При больших обьемах поставок труб могут быть снижены цены
Имеет возможность поставить по заказам потребителей:
*Мини-шиферный завод *Мини-оборудование для производства полиэтиленовых труб *Мини-завод по выпуску хлопкового масло *Солнечные электростанции *Мини-мукомольный завод Мини-завод по переработке хлопковых семян *Трубы и металлопродукцию всех размеров Товар сертифицирован
г.Ташкент, ул.Навои, 7. Тел.: 139-27-15, 139-27-16, 144-59-53.
E-mail: uz_savdo@mail.ru

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги
ШИНАЛАРНИ
сотади:
ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН
Тел.: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21
Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.
ROSAVA ИСТОК DNEPROSHINA ДНЕПРОШИНА
Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:
Наманган ш.,Дўстлик шоҳкўчаси,1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш.,Мирпустин к.,20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Данғара ш.,Тошкент к.,74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш.,Ч.Сафаров к.,80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.
ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

ПРОДАЖА АВТОМОБИЛЕЙ "ГАЗ"







ГРУЗОВЫЕ, ГРУЗОПАССАЖИРСКИЕ, ПАССАЖИРСКИЕ - Цельнометаллические и бортовые с тентом. ЛЕГКОВЫЕ, СПЕЦ АВТОМОБИЛИ: ПРОМТОВАРНЫЕ, ИЗОМЕТРИЧЕСКИЕ, ХЛЕБОВОЗ, МУСОРОВОЗ, ПЕРЕВОЗКА ГАЗБОЛОНОВ, ЭВАКУАТОРЫ, СКОРАЯ ПОМОЩЬ и другие на базе ГАЗЕЛЬ, ГАЗ-3307(09)
г. Ташкент, тел/факс 168 0961. E-mail: prima74@mail.ru

